# Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 66 (21. 185) 1992 йил 2 апрель, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.


## • Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нинг ёш иқтисодчилар билан учрашуви республикамизнинг келажаги бўлган ёшларни бугунги янгиланиш, ривожланиш ишларига фаол-роқ жалб қилишдек долзарб масалага бағишланди.

— Ўзбекистонни 105 давлат тан олди, — деди республика Президенти учрашув чоғида, — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлдик. Америка Қўшма Штатлари, Англия, Германия, Хитой, Туркия каби бир қанча давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилмоқда. Жумҳуриятимизда хорижий фирмаларнинг ишбилармонлари ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Аминманки, буларнинг ҳаммаси ижобий самара беради.

Шу пайтгача дунё мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишнинг имконияти ҳам, йўли лар бўлади. Ташқи ва ички сиёсатни амалга оширишга жазм қилган ёшларга албатта имконият яратиб берилади. Бунда Туркия каби ривож топган давлатлар тажрибасига ҳам суянамиз.

— Мен, — деди Президент — олдин ҳам айтган эдим, бизнинг икки қанотимиз бор, бири — бойлигимиз, иккинчиси — фидокор кишиларимиз. Қуш бир қанот билан парвоз қила олмаганидек, биз ҳам бир қанот билан уча олмаймиз.

Учрашувда иқтисодиётимизни тиклаш, ривожлантириш учун мукаммал концепциялар яратишда биз сиз каби иқтидорли ёшларнинг ғайрат-шижоати, ўткир идроки, янгиликни ҳис эта билиш қобилиятига умид қиламиз. Ўз фикри, ўз нуқтаи назарига эга бўлган ёшларни бирлаштириб, улар билан биргаликда иш бошлаш учун вазият етилди, деб алоҳида таъкидланди.

# ЯНГИ ДАВЛАТ ТАМҒАСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА




Аввало, совет даврида «герб» сўзи билан ифодалаб келинган атаманинг маъноси, моҳияти ва тарихини аниқлаб олмоғимиз керак. «Герб» атамаси нимисча «ербо» сўзидан олинган бўлиб, қирол ва герцогларга мерос қилиб берилган давлатга ва мулкка эгалик белгиси ҳисобланган. Кейинчалик бу тушунчанинг маъноси кенгайиб, бизга рус тили орқали «Давлат герби» ва «герб муҳри» деган иборалар кириб келган.

Бироқ Олмонияда ҳали «герб» тушунчаси пайдо бўлмасидан кўп аср олдин, яъни бундан икки ярим минг йил муқаддам Эрондан Олтойгача улкан минтақаларни эгаллаган турк ҳоқони Ўғизхон давлатида немисча «ербо» сўзининг маъносини тўлиқ ифода этадиган «тамға» атамаси истеъмолда бўлган. Тамға ҳам маълум ҳукмдорга мерос бўлиб ўтган давлат ва мулкка эгалик белгиси ҳисобланган. XIII асрда яшаган машҳур тарихчи Рашиддиннинг «Тарихлар мажмуаси» асарида ёзилишича, Ўғизхоннинг ўғилларидан бири Кунхон Турон улусида ҳукмрон бўлган, унинг тамғасида оқ лочин тасвирланган. Кунхоннинг укаси Тоғхон тоғлиқ ўлкаларни отасидан мерос олган. Унинг тамғасида кийик тасвирланган. Каспий денгизи бўйларида ҳукмрон бўлган Денгизхоннинг тамғасига кўк кабутар расми чизилган.

Мана шу тарихий ҳодисаларни яхши билган улуғ тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг бундан тўққиз юз йил бурун битилган «Девони луғати турк» асарида тамға атамасига шундай изоҳ берган: «Тамға — подшонинг ҳукмдорлик тамғаси ва муҳри». Кўриниб турибдики, бу изоҳ нимисча: «ербо» сўзидан олинган «герб» атамасининг илк маъно ва мазмунига айнан мос келади.

Мирзо Улуғбек қаламига мансуб бўлган «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, XIII—XV асрлар мобайнида ҳозирги Ўзбекистон тупроғида иш юритган давлатлар савдо карвонларидан олинадиган солиқни «тамға солиғи» деб аталганлар. Олтин Ўрда давлатида ҳам «тамға солиғи» деган ибора бўлган. Бир неча аср давомида Олтин Ўрда ҳукми остида яшаган рус князлари «герб» тушунчасини «тамға» сўзи билан ифодалаб келган. Пётр 1нинг отаси Алексей Михайлович номидан ёзилган ва ҳалигача Москва яқинидаги Звенигород музейдеворида сақланиб келаётган ёрлиқда тамға солиғи «тамговый сбор» деб, туркий атама билан ифодаланган. Ҳатто бугун ҳам истеъмолда бўлган русча «таможня» сўзи аслида «тамға божи», яъни солиғи деган сўзлардан олинган. Афсуски, давлат мустақиллигимиз қўлдан кетган сўнгги асрларда «тамға» сўзи фақат «клеймо» каби тор маъноларда ишлатилиб, қадрсизланган. Сўнг унинг ўрнига «герб» атамаси киритилган.

Ҳозир эса мустақил Ўзбекистоннинг давлат тамғасини қабул қилиш жараёни «тамға» атамасининг қадимдан мавжуд бўлган кенг ва юксак маъноларини тиклаш билан қўшилиб бориши табиийдир. Чунки «тамға» сўзи «жилға», «долга» каби минг йиллардан бери халқимиз ишлатиб келаётган соф туркий сўздир.

Энди янги давлат тамғасининг кенг жамоатчилик иштирокида танлаб олинган, ўтган сессияларда Ўзбекистон халқ депутатлари томонидан муҳокама этилгандан сўнг яхши фикр ва тилакларни ҳисобга олиб, такомиллаштирилган лойиҳасига ўтамиз. Бултур ёзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва тамғасига танлов эълон қилингандан бери тўққиз ой вақт ўтди. Шу ойлар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эксперт комиссияси барча вилоятлардан ўнлаб мактублар, рангдор шаклларда ишланган хилма-хил лойиҳалар, таклиф ва истаклар битилган хатлар олди. Биз янги давлат тамғасини танлаш ишига ўз лойиҳалари ва фикр-мулоҳазалари билан яхши ҳисса қўшган Навоий номли Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, истеъдодли рассом Б. Ф. Жалоловга, Ўзбекистон халқ депутати, наманганлик Т. Комиловга, Улуғ Ватан уруши фахрийси, қўқонлик С. Курбоновга, фарғоналик рассом И. Сатторовга, тошкентлик инженерлар А. Сатников ва Абдуллаевларга, асакалик ўқитувчи Б. Ш. Нишоновга, Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятидан Е. Алласугуровга, Қирғизистоннинг Ўш вилояти, Навқат ноҳиясидан мактуб ва лойиҳа йўллаган Тўхтасин Мирзасоли ўғли ва Исроил Назар ўғлига, бошқа ўнлаб, юзлаб равшан фикрлик жонкуяр кишиларимизга миннатдорчилик билдирамиз. Чунки уларнинг давлат тамғаси танловига фаол иштирок этишлари Ўзбекистоннинг тарихий ва миллий анъаналарини, унинг ҳудудида яшаётган халқларнинг истак ва интилишларини акс эттирадиган Давлат тамғасини яратиш бўйича олиб борилган ижодий изланишларга катта ёрдам берди. Шу изланишлар оқибатида халқимиз қадимдан яхши кўрадиган Бахт Қуши — Хумо тасвир этилган лойиҳа кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Туркий тилдаги тарихий-адабий китобларда бу қуш Давлат Қуши ва Қултубулғон деган номлар билан юритилган. Ўзбек эртакларида халқ қаҳрамони Рустамни етти зулматдан қутқариб, қанотида олиб учган бу қуш Самурғ деб аталган. Асли номи Хумо бўлган ва қадимий Наврўз байрами билан бирга шуҳрат қозонган бу қуш Амударё ва Сирдарё бўйларида минг йиллардан буён яшаб келаётган халқимизнинг эзгулик, тинчлик, фаровон ҳаёт ва бахт-саодат ҳақидаги орзу-истакларига жуда мос келади.

Шунинг учун Хумо тасвирланган лойиҳа Олий Кенгашимизнинг январь ойида бўлган тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғаси учун асос қилиб олинди. Айниқса, парвоздаги Бахт Қуши бутун Ўзбекистоннинг тоғлари, дарёлари, водийлари ва яшил боғларини улкан қанотлари орасига олиб учаётгандек тасвир этилганлиги кўпчиликка манзур бўлди. Шу билан бирга, сессия пайтида ҳам, ундан кейин келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди. Уни такомиллаштириш учун зарур бўлган аниқ таклифлар киритилди. Шу таклифлар асосида аввалги лойиҳада Хумо боши эгик ҳолда тасвирланганн ўзгартирилди. Ҳозирги лойиҳада Хумонинг дадил кўтарилган боши ва гавҳардай порлаб турган кўзлари кишиларимизнинг миллий ифтихор туйғуларига мос тушади, деб ўйлаймиз.

Аввалги лойиҳада Бахт қушининг атрофи ҳувиллаган уйдай очиқ қолдирилгани нуқсон деб тан олинган, бу нуқсонни бартараф этишда Ўзбекистоннинг аввалги давлат тамғаси тасвирларидан ва танловга келган бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб айтилган эди. Бугун кўпчиликнинг эътиборига тақдим этилаётган лойиҳада депутатлар ва бизга мактуб йўллаган фуқароларнинг юқоридаги каби тилаклари ҳисобга олинган.

Олий Кенгашнинг ўтган сессиясида кўпгина депутатларимиз аввалги давлат тамғасида бор бўлган дон бошоқлари ва оппоқ бўлиб очилган ғўза чаноқлари тасвирини янги тамғада ҳам гардиш тарзида бериш кераклигини таклиф қилдилар. Бундай таклифлар Олий Кенгашга келган кўпгина мактубларда ва юборилган лойиҳалар тасвирида ҳам бор. Жамоатчилик вакиллари халқимизнинг ризқу насибасини қадрлаш зарурлигини, нонни одамларимиз эъзозлаб кўзига суртиши бежиз эмаслигини, дон бошоқлари ва жаҳон бозорларида ҳар бир миқдори 15—20 миқдор бўғдойга тенг қўрилаётган пахта толаси давлат тамғасида акс этиши кераклигини айтмоқдалар.

Аввалги танловда иштирок этган учинчи лойиҳадан халқимизнинг китобат ва нақш санъатида кенг қўлланиладиган ва «мусамман» деб аталадиган саккиз қирралик шакл лойиҳанинг тепасидаги мўътабар жойга қўйилди. Саккиз қирралик мусамман ҳаётнинг кўпқиррали эканини, унинг барча қирраларини илоҳий ғоя ичдан бирлаштириб туришини, шундай бирлик бор жойда омонлик ва қутбарака бўлишини ифодалайди.

Ана шу саккиз қирралик мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлаётганлиги учун биз иккита муқобил вариантни муҳокамага қўймоқдамиз. Биринчи вариантда саккиз қирралик мусамман ичига ой ва юлдуз тасвири жойлаштирилди.

Аммо Олий Кенгаш Раёсатининг сўнгги мажлисида Давлат тамғаси лойиҳасининг яна бир муқобил варианти берилиши мақсадга мувофиқ топилди. «Саккиз қирралик мусамман ҳам юлдуз рамзи эканини ҳисобга олиб, унинг ичига яна юлдуз ва ой тасвири туширилиши мантиққа ва анъанага мос тушмайди» деган фикр айтилди. Шу сабабли муқобил вариантда саккиз қирралик мусамман ой ва юлдуз тасвирисиз берилди.

Энди икки вариантнинг энг яхшисини танлаш кенг жамоатчилик ва халқ депутатларининг ихтиёридадир. Ўйлаймизки, тақдим этилаётган янги давлат тамғасининг муқобил лойиҳалари тўққиз ой давом этган ижодий изланишлар жараёнида хилма-хил фикрлар ҳисобига бойиб такомиллашди. Энди улардан бирини давлат герби сифатида танлаб олиш мумкин.

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти** — **М. С. САЛОҲИДДИНОВ**

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси** — **П. Қ. ҚОДИРОВ**

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги** — **А. АСҚАРОВ**

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси** — **Б. А. АҲМЕДОВ**

Ҳурматли фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг лойиҳасига доир материалларни эълон қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати учун из икки вариантнинг қайси бирини мақбул топганингизни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сизнинг фикрингизни тўлароқ ва холис ҳисобга олиш мақсадида қуйида эълон қилинаётган анкетани тўлдириб, қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: 700008, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ЛОЙИҲАСИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ВАРИАНТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ФИКРИНИ БИЛИШ**

## АНКЕТАСИ

| Фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили (вилоят, ноҳия, шаҳар, қишлоқ, посёлка) | Мусамман (саккиз қирралик шакл) ичида ярим ой ва юлдуз тасвирланган вариант | Мусамман (саккиз қирралик шакл) ярим ой ва юлдуз тасвирисиз берилган вариант | Алоҳида фикр |
|---|---|---|---|
| ёқлайман : қаршиман: | ёқлайман : қаршиман | ёқлайман : қаршиман | |

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ҳам бўлмаган эди, деб таъкидлади Президент. Бугун вазият ўзгарди. Энди мустақил давлат сифатида иш юритмоқдамиз. Шундай масъулиятли даврда билимли, истеъдодли, дадил ёшларимиз қанотимизга киришлари, ҳамжиҳатлик билан Ватанга хизмат қилишлари керак. Мустақиллик ўз-ўзидан бўлмайди. Айни пайтда ҳар бир қадамимиз ҳамдўстликдаги давлатлар билан чамбарчас боғланиб қолган. 74 йил давомида муносабатларимиз бир-бирига шу қадар сингишиб кетганки, бундан бугун ёки эртага холи бўла олмаймиз. Ҳатто иш юритиш усулларигача мутелашган аҳволда. Эскича фикрлашга ўрганган раҳбар шахслар чигалроқ мушкулотга юзма-юз келса, уни мустақил ҳал этолмайди. Хато қилишдан қўрқиб, ўзини четга олади. Шунинг учун ҳам ёшларга, келажагимизга суянамиз, деди И. Каримов. Биз бозор муносабатларига ёш кадрлар билан кириб боришимиз керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистон келажагини белгилайдиган кўп идораларда раҳбарлар йўқ. Уларни синовлардан ўтган, билимли, тажрибали мутахассислар билан таъминлаш ҳам муҳим масала.

— Биз янги ҳаёт бўсағасидамиз, — деб таъкидлади Президент, — қийинчилик лар бўлади. Ташқи ва ички сиёсатни амалга оширишга жазм қилган ёшларга албатта имконият яратиб берилади. Бунда Туркия каби ривож топган давлатлар тажрибасига ҳам суянамиз.

— Мен, — деди Президент — олдин ҳам айтган эдим, бизнинг икки қанотимиз бор, бири — бойлигимиз, иккинчиси — фидокор кишиларимиз. Қуш бир қанот билан парвоз қила олмаганидек, биз ҳам бир қанот билан уча олмаймиз.

Учрашувда иқтисодиётимизни тиклаш, ривожлантириш учун мукаммал концепциялар яратишда биз сиз каби иқтидорли ёшларнинг ғайрат-шижоати, ўткир идроки, янгиликни ҳис эта билиш қобилиятига умид қиламиз. Ўз фикри, ўз нуқтаи назарига эга бўлган ёшларни бирлаштириб, улар билан биргаликда иш бошлаш учун вазият етилди, деб алоҳида таъкидланди.

Учрашувда сўзга чиққан ёш иқтисодчи олим Анвар Йўлдошев ривожланган мамлакатлар ҳам дастлаб бугун Ўзбекистон Республикаси бошидан кечираётган аҳвол билан юзма-юз келганлигини айтди. Тадқиқотчи Туркия модели билан жумҳуриятимиз иқтисодий аҳволини чоғиштириб чиқарган хулосаларини йиғилиш аҳлига гапириб берди. Туркияда яхши самара берган хусусий корхоналар ички имкониятларга бой бўлган жумҳуриятимизда ҳам қўл келиши мумкин.

Музокарада сўзга чиққан Илҳом Каримов, Абдулла Абдуқодиров, Наимжон Латипов, Фарҳод Мақсудов ва бошқа ёш олимларнинг фикр мулоҳазалари эътиборга лойиқ бўлди.

Учрашувда айтилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни пухта ўрганиб чиқиб, умумлаштириш ҳамда ҳукумат идораларига муте бўлмаган, ўз низоми ва мустақил ҳисоб-китоби билан фаолият кўрсатадиган ёш иқтисодчилар кенгашини тузиш таклиф этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Ш. Зиёмов, У. Азимов, республика вазирликлари ва марказий идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

**У. МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

● БУГУН «ПРАВДА ВОСТОКА» РЕСПУБЛИКА РУЗНОМАСИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚҚАН КУНГА 75 ЙИЛ ТЎЛАДИ.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**«ПРАВДА ВОСТОКА» РУЗНОМАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФАТЛАШ ҲАҚИДА**

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, Ўзбекистон журналистикасини ривожлантиришдаги хизматлари ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони берилсин:**

**Алтунин** Валерий Георгиевич — бош муҳаррир ўринбосари.

**Дегтярев** Виктор Петрович — масъул котиб

**Фиглин** Геннадий Мендельевич — шарҳчи

қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг **Фахрий ёрлиғи** билан мукофотлансин:

**Адизов** Акимжом Комилжонович — Сирдарё вилоятидаги ўз мухбири

**Гостева** Ранса Қосимовна — катта машинистка

**Кулевас** Татьяна Николаевна — шарҳчи.

**Магай** Василий Семёнович — Тошкент вилоятидаги ўз мухбири

**Элбеков** Улуғбек — штатсиз мухбир, Ўрта Осиё темир йўлига қарашли 1-умумтаълим мактабининг директори.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри. 1992 йил 1 апрель.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ғ. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИТЕТ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий маслаҳатчиси бўлиб ишлаётган Ганижон Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича комитет раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 1 апрель.

# ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## ФАРМОН ИЖРОСИ БИЛАН

Узбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган йиғилишида Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1991 йил 29 ноябрдаги «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини ташкил қилишда партия ташкилотлари ва аъзоларининг иштироки ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу тўғрида ижроия бюро аъзоси, вилоят ҳокими ўринбосари Х. Раҳмоновнинг ахборотн тингланди.

Йиғилишда район партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, ХДП аъзолари ўтган вақт ичида Президентнинг ушбу Фармонини бажариш бўйича бирмунча ишларни амалга оширганликлари таъкидланди. Жумладан вилоятда шу мақсад учун 28 минг 155 гектар ер ажратилди. 1963 та деҳқон (фермер) хўжалигидан 1870 таси чорвачилик тармоғида фаолият кўрсатмоқда.

Айни чоғда Фармон бажарилишини таъминлашда жиддий камчиликлар ҳам бор. Чуночи 12 та районда деҳқон (фермер) хўжаликларига ер ажратиш топшириғи ҳанузгача бажарилмаган. Бунга мисол қилиб Шаҳрисабз, Чироқчи, Усмон Юсупов районлари, Китоб, Чироқчи, Қамаши, Ғузор районларидаги бир қатор жамоа ва давлат хўжаликларини кўрсатиш мумкин. Айрим партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ХДП Дастури ва Президент Фармонлари юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормаяптилар. Натижада баъзи хўжаликларда ана шу муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ижроия бюро йиғилиши Президент Фармонини бажариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўришга доир қарор қабул қилди.

М. КАРОМОВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

## ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

Андижон шаҳрида шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка кенгашларида ташкил этилган партия гуруҳлари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Вилоят партия кенгашининг котиби Р. Мухторов «Партия гуруҳларининг ишини ташкил этиш ва улар олдида турган вазифалар ҳақида» маъруза қилди. Халқ демократик партиясининг парламент услубларида қандай ишлаётгани, унинг жамиятда тутган ўрни, партия гуруҳларининг мақсади ҳақида батафсил гаплашиб олинди. Депутатлик қабулхонасини ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталди.

Узаро фикр алмашувда Олтинкўл ва Пахтаобод районлари партия кенгашларининг биринчи котиблари А. Содиқов, Н. Ғафуров ва бошқалар қатнашдилар. Семинар кенгашда партия гуруҳлари раҳбарларига тавсиялар берилди. Савол ва жавоблар бўлди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

## «ЗУБАЙДА» КИЧИК КОРХОНАСИ

● Навоий районидаги Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалигида маҳаллий касаначилар ташаббуси билан «Зубайда» номли мўъжаз корхона ташкил этилди. Ҳозир ушбу корхонада Т. Қоматов, А. Усмонов, А. Жабборов, М. Равшанов бошлиқ оилалар аъзолари гилам ва палос тўқиш билан шуғулланишмоқда.

Хўжалик маъмурияти касаначиларни хом ашё билан таъминлаб турибди. Бошқа зарур ускуналар ҳам етказиб бериляпти. Яқин вақт ичида гилам тўқувчилар учун алоҳида бино ажратиш кўзда тутилмоқда.

Дарвоқе, кичик корхонада тайёрланган маҳсулотлар сотувга чиққач, харидоргир бўлиб кетди. Бунинг боиси — гилам ва палослар сифатли тўқилиб, арзон нархда сотилаётганида. Энг муҳими, касаначиларнинг ўзлари ҳам самарали меҳнатлари туфайли манфаатдорликка эришишмоқда.

А. ОЧИЛОВ,
Навоий вилояти.



Халқаро театр фестивали

# «НАВРЎЗ» НУРЛАРИ

● Еттинчи кундирки, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон театрларининг Халқаро «Наврўз—92» анжуманн давом этяпти. Жумҳуриятимиз санъат мухлислари турли мавзуларга бағишланган, бир-биридан чиройли талқинларда саҳнага чиқарилган спектакларини томоша қилмоқдалар. Айни вақтда фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари билан қизиқарли учрашувлар, мулоқотлар бўляпти.

Мухбиримиз анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олди:

ЭЗГУ ДАЎВАТ

**Темур ЧХЕИДЗЕ,**
театр режиссёри (Грузия)

— Аввало шундай масъулиятли, довруғли анжуманга таклиф этганликлари, ҳатто ҳайъат раислигига муносиб кўрганликлари учун фестиваль Ташкилий қўмитасига, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Наврўз фестивали қийин, мураккаб, алғов-далғовли даврда ўтяпти. Шуниси қувонарлики, анжуман ташкилотчилари, яъни беш республика маданияти мутасаддилари ва арбоблари қийинчиликлардан чўчимай, иккиланишларга, умидсизланишга берилмай Наврўз байроғини дадил кўтариб келишяпти. Чунки, улар миллатлараро низолар содир бўлиб турган пайтда халқларни дўстликка, яқинлашишга, ҳамдил ва ҳамқадам бўлишга чорловчи шундай тадбир жудаям кераклигини яхши тушунадилар!

Халқаро симпозиум ва анжуманларни ўтказишда катта тажрибага эга Тошкентда улкан маданият байрамининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ўзбек халқи учунгина эмас, балки, бутун тараққийпарвар инсоният учун ҳам азиз бўлган Ҳазрат Алишер Навоийни зиёрат қилишдан, унинг номи билан аталувчи янги миллий боғни сайр этишдан бошланган бу тантана мустақил республикалар мустаҳкам дўстлигининг ўзига хос намойишидир.

Ўзбекистон чинакам маданиятпарвар республика эканлигига яна бир бор амин бўлиб турибмиз. Республика Президенти И. Каримовнинг Табрикномасидан хурсандмиз, у кишига раҳмат айтамиз. Анжуман давом этаётган кунларда фидойи санъаткор, балет санъатининг юлдузи Бернора Қориева ҳавас қиладиган даражада муносиб олқишланди. Наврўз деган табаррук халқ қадрияти ҳамон садолар бериб турганини кўрдик.

Шундай юртда, давлатда, маданиятпарварлар даврасида ўтаётган фестиваль нам бўладими?! Албатта, ютади!

●

БЕБАҲО ИМКОНИЯТЛАР

**Ато МУҲАММАДЖОНОВ,**
Тожикистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси, Тожикистон халқ артисти.

— Наврўз фестивали анъанасига кўра, бизнинг «Ахорун» театримиз учинчи анжуман ғолиби сифатида биринчи бўлиб ўз спектаклини намойиш этди. «Ахорун» жамоаси бундай шарафга Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Зикир Муҳаммаджонов, Саъдихон Табибуллаев, Ғани Аъзамов каби санъат усталари ижод қиладиган саҳнада мушарраф бўлди.

Биз Наврўз анжумани шарофатидан ҳар қанча миннатдор бўлсак, унга таҳсинлар айтсак арзийди. Мана, қаранг, тўртинчи фестиваль сабаб бўлиб, Алишер Навоийдек даҳонинг машҳур достонини саҳнада — актёр ва актрисалар ижросида ўқияпмиз. Манас, Гургут Ота каби халқ қаҳрамонларини янгидан кашф этяпмиз. Чингиз Айтматов қаламига мансуб «Асрга татигулик кун» асарини янгича талқинда кўриб турибмиз. Бундай имкониятни бизга ким беради?! Бундай имкониятга бир жойда ўтириб эришиб бўладими?!

Фестиваль ҳозирга қадар жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди, деб бемалол айта оламиз. У ўзининг энг улуғвор мақсади — халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилганидан зиёда ҳисса қўшяпти. Миллий бадиий маданиятларда пайдо бўлаётган янги изланишларни фаоллик билан тарғиб қилмоқда. Характерли тажрибаларни изчил улашиб келаётир. Айни вақтда театр санъатининг долзарб муаммоларига ўз давраларида дадиллик билан фикр билдирмоқда. Айниқса, театрдан томошабин бирмунча узоқлашган ҳозирги вақтда фестивалнинг мулоҳазаларини, йўл-йўриқларини, кўрсатмаларини эшитиш жудаям зарур.

Анжуман сабаб бўлиб, ўзбекистонлик қадрдонларим билан кўришиб турибман. Бу ерда суратга олиш майдончаларида танишган, ҳамнафасликда ижод қилган жуда кўп дўстларим бор. Куни кеча бир томошабин «Сиз «Ўзбекфильм» актёрисизку», деган гапни айтиб қолди. Ғоятда хурсанд бўлиб кетдим. Дўстим, хассос режиссёр Элёр Эшмуҳамедов нинг янги кўп қисмли бадиий фильмида янада пухтароқ суратга тушишга ўзимда масъулият ҳис қилдим...

Мен, имкониятдан фойдаланиб, мустақил фикрли ҳамкасбларимни, дўстларимни мустақил Ўзбекистон билан муборакбод этишни жуда-жуда истайман!

●

МАДАНИЯТ БАЙРАМИ

**Анамурод БЕРДИЕВ,**
Туркманистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси, Туркманистон халқ артисти.

— Биз Тошкентга, унинг халқаро симпозиум ва анжуманларни ўтказиш қобилиятига ҳавас қиламиз. Ана шундай иқтидор туфайли бу галги ижодкорлар кўриги, учрашуви ҳам ҳақиқий маданият байрамига айланиб кетди. Чет эллардан ташриф буюрган меҳмонларнинг кўплиги ҳам шубҳасиз Тошкент довруғи самарасидир.

Фестиваль репертуарини, санъаткорларнинг ижрочилигини кузатиб, Олмаотада бўлган биринчи анжумандан сўнг ўтган давр ичида дўстларимизнинг ижодий ҳаётида, изланишларида анча силжиш, ўзгаришлар юз берганига ишондим. Бу Наврўз ижодий кўригининг даъватлари, улашган тажрибалари, йўл-йўриқлари туфайлидир. Ҳамкасбларимизнинг тарихий мавзуларни бугунги кун билан боғлашда анча дадиллик, изланувчанлик, билимдонлик кўрсатаётганликлари ҳар биримизни қувонтиради, Масалан, ўзбекистонлик дўстларимизнинг «Искандар» спектаклини томоша қилган киши залдан ўйчан, даҳо санъаткорлар асарларидан ҳар қандай шароитда фаоллик билан фойдаланишга, уларни изчил ўқиб ўрганишга масъулият ҳис қилиб чиқиб кетади.

Ёки бўлмаса, қозоғистонлик ҳамкасбларимизнинг «Асрга татигулик кун» драмасини олайлик. Уни жуда кўп театрлар саҳналаштирган. Лекин Мухтор Авезов театрида ижод қилаётган дўстларим машҳур асарни бутунлай янгича талқин қилганлар. Спектаклни томоша қилар экансиз, келажак олдидаги бурчингиз ҳақида ўйлаб қоласиз.

Бундай ижро, энг аввало, ажойиб санъаткор Озарбайжон Мамбетовнинг меҳнати туфайли мукаммал бўлиб саҳнага чиққанидан фахрландим.

Биз ҳам Тошкентга томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган, санъатшуносларимиз йилнинг энг яхши асари деб тан олишган спектаклимиз билан келганмиз. Биз учун биринчи навбатда қўшни республикаларда ижод қилаётган ҳамкасбларимизнинг фикр-мулоҳазалари муҳим. Темур Чхеидзедек дунёга машҳур режиссёрларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишни ким ҳоҳламайди дейсиз?!

Фестивалнинг бешинчиси бизнинг республикада, Ашхободда ўтади. Шу боис Тошкентда бўлган чоғларимизда унинг маданият анжуманларини ўтказиш тажрибасини ҳам ўрганяпмиз.

СУРАТДА: фестиваль иштирокчиларидан бир гуруҳи (чапдан ўнгга): Сора Музаффаршоий (Тожикистон), Кирилл Лавров (Москва), Озарбайжон Мамбетов (Қозоғистон), Наби Раҳимов, Теша Мўминов (Ўзбекистон).

Д. АҲМАД олган сурат.

# Ўзбекистон олтини

Мустақил Ўзбекистоннинг олтини ҳали жаҳон бозорига чиққанича йўқ. Аммо у оҳанрабодек кўпларни ўзига тортмоқда. Ўзбекистон табиий бойликларга ниҳоятда бой. Буни чет элликлар ҳам яхши билишади. Улар бугунги иқтисодий қийинчилик пайтида республикамизга ёрдам қўлларини чўзяптилар. Ҳозир Ўзбекистоннинг олтин конларида бир қанча мамлакатларнинг эксперт-лаборант олимлари келгусида қўшма корхоналар вужудга келтириш мақсадида ҳар томонлама изланиш, ўрганиш, тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

— Бизда англиялик ва америкалик мутахассислар ишламоқда, — деди Аброл ака Қаҳҳоров, — улар ғоят олижаноб кишилар, уларнинг бирор ғаразли мақсадлари йўқ. Ниятлари — технологик ёрдам кўрсатиш. Улар асосан корхонамиз қайта ишлаган, ҳозир эса бефойда тоғ-тоғ бўлиб ётган чиқиндилар таркибидан олтин олишмоқчи. Биз шу пайтгача таркиби пуч деб ҳисоблаган, аслида эса ҳар бир тоннасида 0,5—1 граммдан олтини бор чиқинди рудаларни лаборатория таҳлилидан ўтказиш ишларини ниҳоясига етказиб қолишди. Эксперт-металлург Артур Крисни яхши биламан. У жаҳон миқёсида тан олинган халқаро классдаги зўр мутахассис. Крис бизга икки ой олдин келган, ўзи билан барча асбоб-ускуналарини ҳам келтирган. Маҳаллий кадрларни замонавий лаборатория асбоблари билан ишлашга ўргатди. Унинг таҳлили яхши чиқди. Ҳозир улар «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома имзолашга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Маржонбулоққа АҚШнинг Калифорния штатидаги Монтерее шаҳридан келган етук мутахассис-инженер Виктор Моргенштерн иш олиб боряпти. Виктор асли тошкентлик. Беш йил олдин Америкага кўчиб кетганди. Ўзи Москва геология-қидирув олийгоҳини тугаллаган, СССР Геология вазирлигида, сўнгра Литосфера билимгоҳида ишлаган. Америкага келгач «Брене ресурслари» компаниясида бош геолог вазифасида меҳнат қила бошлади.

— Ҳозир бутун жаҳоннинг нигоҳи собиқ Иттифоқдаги, эндиликда эса мустақил ёш республикаларда, — деди у. — Улар ўз хўжалигини қандай юргизаяпти? Жаҳондаги қайси давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолмоқда? Қай тарзда ривожланиб боради? Бу саволлар фақат сиёсатдонларнигина эмас, шу билан бирга ишбилармон, тадбиркор саноатчиларни ҳам жуда-жуда қизиқтирмоқда. Мен ишлаётган олтин қазиб чиқаришга ихтисослашган дунёдаги энг йирик компаниялардан бири — «Брене ресурслари» компаниясининг раҳбарлари ҳам Ўзбекистон билан қизиқиб қолдилар. Биздаги маълумотларга қараганда Ўзбекистон дунёдаги энг бой олтин қазилма заҳираларига эга мамлакатлар сирасига киради. Аммо империя даврида бу бойликлардан жуда ҳам пала-партиш, таъбир жоиз бўлса қароқчилардек аёвсиз фойдаланиб келишди. Олтин конларининг маъданга бой қисми ишлатилиб, қолган қатламлари ташлаб юборилаверди. Ана ўша чиқинди, маҳзи «пуч» деб ишлатилмаган, ҳозир эса карьерлар атрофида тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётган жинсларнинг ҳар бир тоннаси таркибида камида 1 граммдан тилло бор. Буни текшириш натижалари ҳам кўрсатяпти. Бу ўзбекчасига айтганда нонни оёқ остига ташлаб топтагандек гап-ку. Бундай аҳволга йўл қўйилгани ҳатто компаниямиз раҳбарларининг ҳам юрагида норозилик уйғотмоқда. Компаниямиз Ўзбекистон ҳукумати билан шартнома тузиб ташлаб юборилган ана шу чиқиндилар таркибида увол бўлиб ётган олтинни ўзаро манфаатдорлик асосида эритиб олмоқчи. Йўқ, бу ерда баъзилар ўйлаётганидек империализм республика бойлигига ўз чангалини солмайди. Бундай ўй-фикр ҳатто тушимизга ҳам кирмаган. Ниятимиз ҳолис ва пок. Компания ўзига тўқ-бадавлат. Ўзбекистон олтинисиз бойлигимиз етиб ортади. Мақсадимиз, очиғини айтганда империя чангалидан қутилган, олтин ишлаб чиқариш соҳаси мустақил тарзда энди оёққа босиб келаётган республикангизга беминнат ёрдам бериш, соҳани ривожланган давлатларнинг сингари тез тараққий эттиришдан иборат.

Виктор Моргенштерн «Брене ресурслари» компанияси Ўзбекистонда олиб бораётган ишлар ва режалаштирган тадбирлар ҳақида узоқ ҳикоя қилиб берди. Республика ҳукумати билан тузиладиган шартнома асосида компания Америкада энг замонавий технология билан қуролланган фабрика сотиб олиб, уни Маржонбулоққа келтириб ўрнатади. Жами маъданларнинг ўндан бир қисмини ишловдан ўтказгач, корхона Ўзбекистоннинг шахсий мулки бўлиб қолади. Сўнгра чет эллик ҳамкасблар Зармитонга ўтадилар. Уларнинг хомаки ҳисоб-китобларига қараганда бу ерда ташландиқ рудаларда 2 граммгача тилло бор. Агар шу фикр тасдиқланса йилига қўшимча 1,5 тонна тилла ишлаб чиқариш имкони вужудга келади.

«Брене ресурслари» компанияси режалари ғоят кенг қамровли. У Маржонбулоқда ишга киришган дастлабки кунданоқ посёлка ва конларга йўл ўтказишни, янги-уй жойлар, қуришни ҳам ўз зиммасига олмоқчи. Маҳаллий ишчи ва инженер-техник ходимларни замонавий машина ва ускуналар билан ишлашга ўргатиш ҳам ана шу режаларга киритилган. Виктор Моргенштерн компаниядан қўшимча ваколат билан ҳам келган. У яқинда Жиззах вилояти ҳокими билан учрашди. Компаниянинг вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхонани тикинга қуриб бериш нияти борлигини ҳам айтди. Бу корхонада гўшт ва сутни қайта ишлаш, сабзавот консервалари тайёрлаш линиялари бўлади. Сутни қайта ишлаш линияси эса Австралиядан олиб келинади. Қурилиш майдончалари тайёр бўлган заҳоти компания ана шу корхонани келтириб ўрнатишга қарор қилган. Ўзбекистон ҳукумати билан аҳдлашув бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ушбу корхонада тайёрланган маҳсулотлар вилоятнинг ўзида сўмларга сотилиб, тушган даромад шу ернинг ўзида янги корхоналар қуришга ишлатилади.

Виктор Моргенштерн ўзаро суҳбат пайтида кичик бир сир пардасини ҳам очди. «Биласизми, — деди у, — ҳозир дунёда олтинга бўлган эҳтиёж ниҳоятда ошиб боряпти. Ривожланган барча мамлакатларда компютер ишлаб чиқариш тараққий этмоқда. Компютерларга эса тилло ҳам ишлатилади. Шунингдек, олтин безакларга бўлган талаб ҳам ўсмоқда. Компаниямиз яқинда чуқур таҳлил ўтказиб жаҳонда ишлаб чиқарилаётган жами олтиннинг 78 фоизидан безаклар тайёрланаётганлигини аниқлади. Ҳар йили қазиб олинаётган олтиннинг 600 тоннадан кўпроғи улушига тўғри келаётган Жанубий Африкада тилла захираси эса камайиб боряпти. Демак, шу тарика Ўзбекистоннинг олтинига бўлган талаб ҳам ошади. Агар бир унция (11—12 грамм) олтин дунё бозорида 355 долларга сотилаётган бўлса, таҳлиллар кейинги йиллардан бошлаб тилла нархи 5 процентдан ошиб боришини кўрсатмоқда. Мен бу рақамларни келтириб нима демоқчиман? Келажакда олтин ишлаб чиқариш саноати Ўзбекистон халқ хўжалигининг энг асосий ва ҳал қилувчи тармоқларидан бири бўлиб қолади.

Викторнинг компания юмушлари билан Маржонбулоққа тўртинчи марта келиши бу. У Ўзбекистоннинг табиатигина эмас, унинг рельефи, тупроқ таркиби ҳам ҳозир ўзи яшаётган Калифорния штатига жуда ҳам ўхшаш эканлигини айтди. Ҳозир барча техник иқтисодий ҳужжатлар тайёр бўлганлигини, иш фақат «Ўзбек олтини» билан контракт тузишга қараб қолганлигини таъкидлади. Ана шу контракт асосида «Ўзбек олтини» америкалик мутахассисларга қурилиш ишлари олиб бориш учун ер, ишчи кучлари, бериши керак. «Брене ресурслари» компанияси эса келгусида ўзи ўрнатадиган корхонани 25 йил ишлатади. Бу — Ўзбекистон учун ҳам, «Брене ресурслари» компанияси учун ҳам ўзаро фойдалидир.

Маржонбулоқда ишлаётган инглиз олтинпазлари — тоғ инженери Тони Хопкинс, кимёгар Петрик Кноуис, кон мутахассиси Бил Чартер ҳам Викторнинг гапини тасдиқладилар. Биз бу ерда яна номи бутун дунёга танилган ва олтинпазлар ҳурматига сазовор бўлган мустақил эксперт Крис Артур билан ҳам танишдик. У компания топшириғи билан 69 та мамлакатда иш олиб борган. Ўзбекистон унинг учун етмишинчи, мамлакат Кристан Маржонбулоқдаги ишлар ҳақида ўз фикрини айтишни илтимос қилдик. «Олтин бойитиш фабрикасини реконструкция қилиб тўғри иш қилишяпти, — деди у. — Чунки, ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартирмай уни ривожлантириш қийин». Кристнинг вазифаси ташландиқ, «пуч» маъданлар таркибида қанча олтин борлигини ўрганиш. «Сир бўлса ҳам айтай, — деди у майин жилмайиб, — мана шу маъданлар таркибидаги олтин харажатларни тўла қоплайди. Компания ўз фабрикасини бемалол олиб келиб ўрнатиши мумкин».

«Брене ресурслари» компанияси ана шу тажрибали мутахассислар Маржонбулоқда иш олиб боришлари учун ғоят қисқа вақт ичида 300 минг доллар сарфлади. Мутахассислар ҳам ўз навбатида билдирилган ишончни тўлатўкис оқлашмоқдалар. Уларнинг келиши муносабати билан олтин бойитиш фабрикаси қошида янги, чет элликлар билан иқтисодий алоқалар бўлими очилди. Бўлим ходимлари ўз ҳамкасбларидан иложи борича кўпроқ илм ва тажриба ўрганиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Келгусида қўшма корхона ташкил этилиши муносабати билан бўлим ана шу корхонада меҳнат қиладиган ишчи ва инженер-техник ходимларга инглиз тилини ўргатадиган тўгараклар очди. Унда бу тилни мукаммал биладиган Лариса Арутюнова, Бахт Мавлонқулов ва Татьяна Ермолаеваларнинг ҳар бири камида 10 нафардан шогирдларни танлаб, уларга инглиз тилини ўргатмоқдалар.

— Бу ерда биз билан ишлашга иштиёқ шунчалик кучлики, америкалик мутахассислар ўзбек тилини ўрганиши ўрнига ишчилар инглиз тилини эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Мен ўзбекларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадга албатта эришишларига ишонаман, — деди Виктор Моргенштерн биз билан хайрлашаркан.

Маржонбулоқдан йўлга чиқиш олдидан унинг остонасига қўйилган улкан гранит тош пойида туриб унга зархал ҳарфлар билан ёзилган лавҳани яна бир бор ўқидик:

«БУ ЕРДА ХАЛҚ ИРОДАСИ БИЛАН МАРЖОНБУЛОҚ ШАҲРИ ҚАД КУТАРАДИ. 24 МАРТ 1976 ЙИЛ».

Ушбу сўзларни олтин бойитиш фабрикаси ва бўлажак шаҳар пойдеворига биринчи ғиштни қўйган республика раҳбари Шароф Рашидов ўз нутқида қайд қилганди. Бугунги кунга келиб унинг башорати рўёбга чиқди. Ўзбекистон ҳаритасида Маржонбулоқ шаҳри ҳам ёзиб қўйилди, олтин бойитиш фабрикаси эса республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

— Биласизми, — деди шу ерда корхона директори Аброл Қаҳҳоров. — Маржонбулоқ шаҳрига Шароф Рашидов ном қўйгандилар. Биз эса фабрикамиз номини Шароф аканинг номи билан аташга қарор қилдик.

Ўз умрини ўзи туғилиб ўсган она юрт учун, унинг ривожи ва истиқболи учун, ўз халқининг хур-фаровон яшаши учун бахшида этган инсонларни халқ ҳам асло унутмайди. У миллионлар қалбида яшайди. Улар эл наздида номи ўчмас барҳаёт симолар бўлиб қолади.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози» сус мухбирлари.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
рўзномасининг мах.

## 4. ҲАМКАСБЛАР НИМА ДЕЙИШЯПТИ?



СУРАТЛАРДА: Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикасида тадқиқот ишларини олиб бораётган «Брене ресурслари» компанияси бош геологи В. Моргенштерн, металлург А. Крисс, геология бўйича маслаҳатчи Б. Чартер. 2. Компрессор цехи машинисти Ё. Исломов. 3. «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари А. Шакаров «Маржонбулоқ» олтинпазлари билан суҳбатлашмоқда.

С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

## ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Журналистлар уюшмалари конфедерацияси 1991 йил учун журналистика соҳасидаги энг яхши ишларга ўтказилган ижодий танловга якун ясади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган Россия, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Арманистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Грузиядан бирқанча истеъдодли қаламкашлар конфедерациянинг юксак мукофотига сазовор бўлдилар. Мукофотланганлар орасида Ўзбекистондан «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи **Анвар ЖУРАБОЕВ** ҳам бор. «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририятининг ижодий жамоаси ҳамкасбимизни бу муваффақият билан чин қалбдан табриклайди.

Шунингдек, Журналистлар уюшмалари конфедерациясининг «Журналистикани ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссаси учун» мукофотини бериш ҳақидаги қарори ҳам эълон қилинди.

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги**

Н. Қ. Крупская номли Тошкент педагогика билим юрти

24 апрель соат 15.00 да

**ОЧИҚ ЭШИК КУНИНИ ЎТКАЗАДИ**

Манзилимиз: 700096, Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, 178-уй (77, 34, 13-автобуслар; 12-троллейбус; 4, 9, 11-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

(Давоми. Боши рўзноманинг 25, 26, 27-март сонларида).

1.

## Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари

● Уткир Ҳошимов «Тушда кечган умрлар» деган янги роман ёзди. Катта даврни ўз ичига олган бу асарда зулм ва алдовга асосланган тузум турфа хил одамлар қисматига нақадар аянчли таъсир этганлиги ёрқин буёқларда тасвирланади. Рўзномамизда эълон қилинаётган ушбу боб қаҳрамони Комиссар Ғаниев кўп йиллар совет жазо органларида ишлаган. У ўзининг тақдири ҳам нега бунчалик чалкашиб кетганини тушунишга уринади. Аммо умр бўйи ўзи содиқ қолган «ғоялар» қон-қонига шунчалик сингиб кетганки, калаванинг учини топишга ожизлик қилади.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Узбекистон халқ ёзувчиси.

# ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР

## (ШУ НОМЛИ РОМАНДАН ПАРЧА)

БИР куни уйни меҳмон босди: Маузернинг ўртоқлари. Ярим соат ўтмай квартирада қадаҳлар жаранги, қийқириқ, кулгу авжига чиқди. Комиссарнинг ғаши келди. Бу хонадонда ҳеч ким, ҳеч қачон қийқириб кулган эмасди.

— Нима бу, ҳайвонот боғининг эшиги очилиб кетдими? — деб ўдағайлаган эди, Назира имлаб, ошхонага чақирди.

— Одамни шарманда қилманг, жон дадаси, — деди ялиниб. — Ўғлингиз ўртоқлари билан гап еган. Бугун Маузернинг навбати...

Орага Мэлс қўшилди.

— Қизиқсиз, дада Акам уйимизга меҳмон чақирса ёмонми?

— Нимани билади булар? Нимани тушунади? Ўттизинчи йилларда худди шунақа «гап» туфайли қанчаси қармоққа илинган!

Киши билмас қулоқ солди. Бири латифа айтади, бошқаси сиёсатдан олади. Сиёсатдан! Комисар Ғаниевнинг ўғли аллақандай қинғир-қийшиқ улфатлари билан сиёсат сўқияпти!

Зиёфат тугагунча тишинитишига қўйиб чидади. Меҳмонлар кетгач, Маузерни сиқувга олди.

— Ким булар?

— Дўстларим, — деди ўғли ҳайрон бўлиб.

— Қаерда ишлайди? Фамилияси нима?

Маузер ичган эди. Кўзлари сузилиб, илжайди.

— Ҳаммасининг анкетаси керакми?

Орага яна Назира қўшилди.

— Жон дадаси, — деди ёлвориб. — Ухланглар. Кеч бўлди. Эрталаб гаплашасизлар.

Соат Ғаниевич қараса, ўғлидан тузук-қуруқ гап чиқадиган эмас. Эрталабгача кутишга қарор қилди. Тонг-саҳар Маузерни қайтадан сўроққа тутди.

— Кечагилар ким эди?

— Ўртоқларим, — деди Маузер оромкурсида ўтирган кўйи хотиржам сигарет тутатиб.

— Нега сиёсатга аралашади?

— Сиёсатга аралашмаган журналист йўқ, — деди Маузер ғўлдираб.

2.

— Сен ҳам аралашасанми?

— Албатта.

Комиссар уриб юборишдан аранг ўзини тийиб, ўйланиб қолди. Хаёлига ғалати фикр келди.

— Майли, — деди ён бериб. — Гапга қўшилишингга қарши эмасман. Биламан, йигит кишининг улфати бўлиши керак. Фақат... — Уёғини иложи борича ботмайдиган қилиб, осойишта тушунтирди. — Биласанми, ўғлим... Сенлар ёшсан. Ҳаётни яхши билмайсан... Ораларингда системамизнинг душманлари бўлиши мумкин... — Шундай деб ўғлининг кўзига қаттиқ тикилди.

— Маузер бўзариб қолган, киприкларини - овсарларча пирпиратар эди.

— Яхши! — Комиссар унинг елкасига қоқди. — Бемалол гапга қатнайвер. Ҳаммасининг гапини эшит... Фақат... Бирортаси жамиятимизга душман эканини пайқаб қолсанг...

Маузернинг оғзи ланг очилиб, башараси янаям аҳмоқона тусга кирди.

— Нима? — деди ниҳоят. — Сиз мени... мени... агент қилмоқчимисиз! — Ўша заҳоти ранги гезариб кетди. — Овора бўласиз, — деди бақириб. Шахт билан турдида хонадан чиқиб кетди.

Комиссар умрида бундай аянчли аҳволга тушмаган эди. «Аҳмоқ!» деди ижирғаниб.

Икки ҳафтагача уйлари сув қуйгандек сукутга чўмди... Ота-бола гаплашмай юришди. Мэлс бўлса, умуман камгап йигит. Шарқшунослик куллиётининг урду бўлимида ўқийди. Эрта кетади, кеч келади.

Икки ҳафталик сукунатдан сўнг портлаш рўй берди. Маузер навбатдаги гапдан ғирт маст бўлиб келди. Оёқда туролмайди. Келин қўлтиғидан олиб, ётоққа бошлаётган эди, Маузер нари итарди.

—Шошма! Да-д-дам билан г-гаплашиб олишим к-к-керак!

Назира келиннинг ёнига кирди. Айланиб ўргилиб, ўғлини инсофга чақирди.

— Қўй, болам, ҳар қанча гапинг бўлса, эртага гаплашасан.

— Йўққ! — деди Маузер оғзидан кўпик сачратиб. — Ё ҳоз-з-зир, ё ҳ-ҳ-ҳеч қачон!

— Аҳволини қара, бу молнинг! Қўйиб берса Гамлет монологиниям ўқиб беради, мишиқи интеллигент!

— Қани, буёққа юр-чи!

— Дадаси, жон дадаси.— Назира палапонини қўриқлаган она чумчуқдек чирқиллаб қолди. — Кўриб турибсизку, ҳолини, дадажониси!

— Маузер ака, қўйинг, — деди хотини қўрқиб. — Юринг, дамингизни олинг.

— Сиз нари туринг, келин, — Соат Ғаниевич ғазабини тийиб, осойишта тушунтирди. — Қани нима гапи бор экан? Эшитайлик-чи.

Ота-бола рўбарў ўтиришди. Бири столнинг у томонида, бири бу томонида.

— Хўш, гапир, қулоғим сенда! — деди Комиссар.

— Йў-ўқ, — деди Маузер. — Аввал булар чиқиб кетсин. Ойи, чиқиб туринг, ил-л-лтимос. Гуля, сен ҳам чиқ-қ-қиб тургин. Ж-жон Гуля... Ўз-зинг ақлл-лисан-ку!

— Бўлдими? Гапир энди!

Маузер негадир кулди — оғзидан сўлак оқизиб, жуда хунук кулди.

— Дад-д-да! — деди илжайиб. — Н-н-нега менинг отимни Маузер қўйгансиз? Н-н-нима? М-мен тўппончаманми?

Комиссар дафъатан эсанкираб қолди. Чиндан ҳам нега Маузер? Иккинчи ўғлигаку, улуғ доҳийларнинг номини қўйган. Бунга-чи?

— Шу проблема қизиқтириб қолдими? — деди қовғини солиб.

— Қ-қ-қизиқтиради. Доим қизиқтиради. — Маузер шиминнинг чўнтагидан ғижимланган сигарет олиб тутатди. — Н.-н-нима? — деди ҳамон илжайиб. — М-мен билан б-б-бировни от-т-тмоқчимисиз?

— Аҳмоқ! — деди Комиссар беозор қойиб. — Мен сени қуролдек кучли бўлишингни ҳоҳлайман, билдингми?

— Ш-шунақа денг! — ўғил кўзлари юмилиб-юмилиб сигарет тортди. — Ўз-з-зига ишонган одам, — деди дудуқланиб, — бир-р-ровга тўп-п-понча ўқталмайди. С-с-сиз ўзингизга ишонмайсиз! — шундай дедида, тағин кулди. — Танийсизми? — деди тўсатдан. — фақат р-р-ростини айтинг. Ҳамидов деган ак-ак-академикни танийсизми?

— Қанақа Ҳамидов?

— Танийси-и-из! — Маузер илжайиб бошини саракарак қилди. — Ёлғон гапирма-а-анг. Танийсиз.

— Мен ҳеч қанақа академик Ҳамидовни танимайман.

— Бўлмаса... — Маузер мастона кўзлари билан қаттиқ тикилиб таъкидлади. — Бўлмаса... У сизни танийди. Билдизми! У мендан с-сўради. Сиз ўша Комиссар Ғаниевнинг ўғлимисиз, деди.

— Мен ҳеч қанақа Ҳамидовни танимайман- —деди Комиссар ғижиниб.

— Алдаманг- Уни с-с-сиз сўр-р-роқ қилгансиз. Т-тарихни бузиб кўрсатдинг, деб с-с-сиз қамагансиз! — Маузер қўлини бигиз қилиб чўзди. — С-сиз юборгансиз К-к-крим орол-ларига! Йигирма беш йилга с-с-сиз жўнатгансиз!

— Мана сенга Ҳамидов! — Комиссар кучи борича мушт солган эди, Маузер ўтирган стули билан қўшилиб ағдарилиб тушди. Бурнидан шариллаб қон келди.

Хонага Назира билан келини учиб киришди.

— Вой ўлай. Вой ўлмасам! — Назира титраб-қақшаб Маузерни бошидан кўтарди. — Гулнора! Сув обкелинг. Тезроқ!

Маузер кафтининг орқаси билан оғзи-бурнини артди. Қизиқ, бирпасда кайфи тарқадими, бурро-бурро гапира бошлади.

— Билиб қўйинг- — деди таҳдид билан. — Сиз ўша академикнинг тирноғига арзимайсиз!

— Ўчир овозингни! — Комиссар столни бор кучи билан муштлади. Гулдон йиқилиб, сиреклар сочилиб кетди. Дастурхон устига жилдираб сув оқди.

— Ўрмоқчимисиз? — Маузер хотини келтирган сувга чала-чулпа юз чайқади.— Уринг! — деди аччиқ илжайиб. — Сиз уришга устасиз, Комиссар Ғаниев. Аммо, билиб қўйинг, эрта-индин ҳаммангни сиринг очилади.

Комиссар столни шитоб билан айланиб ўтди. Ўғлининг елкасига тепиб ерга мих-лаб қўймоқчи эди, Назира дод солиб, йўлини тўсди.

— Вой ўлмасам! Бу қандай кўргилик!

— Қўяверинг, ойи, уравер-син! — деди Маузер. Сўнг отасига тик қаради-да, донадона қилиб айтди. — Сиз — қотилсиз. Ҳамманг қотилсан! Йигирма миллион одамни гумдон қилган жаллодсан.

— Йўқол кўзимдан!

— Отлан, Гуля! — Маузер чайқалиб ўрнидан турди. — Бу уйда тургандан кўра, ваҳший ҳайвонлар билан яшаган яхши! — Отасидан жиркангандек четлаб ўтди-да, эшик томон йўл олди.

Онаси ўкраб йиғлаганча этагига осилди.

— Унақа дема, болам. Отанинг юзига тик қараб бўлмайди, Маузержон! Эсингни йиг, жон болам.

Маузер онасининг қўлтиғидан кўтарди.

— Турнинг, ойи. Кетамиз. Юринг, биз билан, — тўсатдан йиғлаб юборди. — Ойи! Мен бу одамнинг ўғли бўлганимдан уялиб кетаяпман, ойи!

Комиссар кечаси билан тўлғониб чиқди. Ўйда бир ўзи қолган. Мэлс негадир келмаган. Назира эса, ўғли билан келинининг кетидан ҳай-ҳайлаб югурганича, аллақайси гўрга ғойиб бўлган эди.

3.

Қаранг, бу олифта интеллигентни! Ўз отангни тергашни ким қўйибди сенга! Замон қанақа бўлганини сен қаёқдан биласан! Инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилиш керакмиди? Мамлакатни ички душманлардан тозалаш керакмиди? Бундан ташқари офицерлик бурчи, деган гаплар бор! Нега шунча йил писиб юрган экан, ўша академигинг! Замон ўзгариб, энди тиллари чиқиб қолибдими? Курилга жўнатилганми, ундан наригами, итдек ўлиб кетмаганига шукур қилмайдими! Кўрамиз, ҳали чархи гардуннинг ғилдираги қаёққа қараб айланаркан? Ер юзида коммунизм тўла ғалаба қозонмагунча душманлар бўлаверади. Демак, қора кучларга қарши курашадиган ташкилот ҳам бўлаверади!!

...Назира эртаси кечқурун қайтиб келди. Бир кунда чаккасидаги сочларининг оқи кўпайганга ўҳшар эди. Унинг айтишича, Маузер Юнусободдаги сўққабош кампирникидан ижарага бир хона олганмиш.

— Баттар бўлсин! — деди Комиссар энсаси қотиб. — Бурнига озгина сув кирсин, вайсамайдиган бўлади.

— Дадаси, жон дадаси!— Назира унинг оёқларига йиқилди. — Хафа бўлманг, ўғлингиз ёшлик қилди. Кайф устида алжиради-қўйди. Гуноҳидан ўтинг.

Маузернинг кечаги гаплари эсига тушиб, Комиссарнинг вужуди ёниб кетгандек бўлди.

— Йўқ! — деди қатъий қилиб. — Бу — принципиал масала! Менинг Маузер деган ўғлим йўқ! Бу мавзуда бошқа гаплашмаймиз.

Икки орада Назранинг дардга чалиниб қолгани чатоқ бўлди. Еши элликдан ўтиб-ўтмай қон босими кўтариладиган одат чиқарди. Комиссар ўзини юпатди. Майли, Маузердан кўрмаганини Мэлсдан кўради. Мэлс эсли бола. Камгап, мулоҳазали... Ўқиши аъло. Урдудан ташқари инглиз тилини ҳам мукаммал билади. Ўқишни битирсин, чет элларга бориб ишлайди. Жамият равнақига ҳисса қўшади. Анави телба акасига ўхшаб кўча-кўйда вайсаб юрмайди. Комиссар Ғаниевнинг ўғли қандай бўлишини кўрсатиб қўяди.

Она — барибир она эканда! Назира кун ора Маузернинг олдига қатнар, ҳар гал янги гап топиб келар эди. Ишхонасида Маузернинг ҳурмати зўр эмиш. Бир йил ичида уй берармиш. Гулнорани анор егиси келаётганмиш... Аммо бирон марта «ўғлингиз қилмишидан пушаймон, узр сўради», деган гап бўлгани йўқ...

...Комиссар ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди: Мэлсни уйлантириш керак. Шунда онасининг кўнгли жойига тушади. Анави аҳмоқнинг олдига камроқ югурадиган бўлади...

Мэлс ювош кўрингани билан бало экан. Тўй ҳақида гап очилганида онасига Лоланикига совчи бўлиб боришни тайинлабди. Лола деганн автодорожний институтда ўқиркан...

Тўй рисоладагидек ўтди. Айни меҳмонлар тўпланаётган пайтда Назира югургилаб келиб қолди.

— Дадаси! — деди яйраб-яшнаб. — Ўғлингиз келди! Чиқинг, сўрашинг мундоқ!

Комиссар гарангсиб турган эди, тушунтирди:

— Маузер келди! Қаранг, укасига қанча нарса обкепти! Комиссар энсаси қотиб, ҳовлига тушди. Бир четда юк машинаси тўхтаб турар, Маузер тўйхонадаги йигитларга кўмаклашиб, машинадан қутига солинган телевизор, холодильник туширар эди. Ёнида қорни дўппайиб қолган Гулнора турарди.

Эр-хотин баравар ярқ этиб шу томонга қарадилар. Гулнора ийманиб, салом берди. Маузер илжайиб яқин келаётган эди, Комиссар юзини чирилатиб ўгирди-да, бурилиб кетди.

...Ростини айтганда, Лола Комиссарга маъқул тушди. Хушчақчақ, чаққон. Ишниям боплайди, гапниям. Бир ой ўтмасдан ҳаммага лақаб қўйиб улгурибди. Назира айтиб қолди.

— Эшитдингизми, дадаси менинг отим амортизатор эмиш.

— Нима дегани у?

— Уй ичимизнинг тинчини тутиб турган эмишман. Мен бўлмасам, ҳаммаёқ алғов-далғоб бўлиб кетармиш.

Комиссар ўйлаб туриб, келининг мулоҳазаси жўяли эканига тан берди.

— Ўғлингниям лақаби бордир?

— Бор! — Назира кулди. — Домкрат!

— Нега энди домкрат?

Назира нечундир қизариб, елка қисди.

— Билмасам...

— Ўзи-чи? Ўзигаям от қўйганми?

— Бўлмасам-чи? Лолахон тушмагур биринчи бўлиб ўзига лақаб топган-да! Ойна тозалагич эмиш. Дворник.

Комиссарга нашъа қилди.

— Дворник! Буни қарая! Биров уни чўри қилиб қўйгани йўқ шекилли?

— Мен ҳам шуни сўрадим. Йўқ, дейди. Мен чўри эмасман, шунчаки ойна тозалагичман, мен бўлмасам, бу хонадонга нур кирмасди, дейди.

Бу гаплар Комиссарнинг эсидан чиқиб кетган эди-ку, бир куни ҳаёлига ғалати ўй келди. «Менгаям лақаб қўйган бўлса-чи, бу маҳмадона!». Назирадан шуни сўраган эди, бош чайқади.

— Ўлибдими? Сиздан қаттиқ ҳайиқади келин!

Йўқ, бирон ҳафталардан кейин Назира кулиб-кулиб айтиб берди.

— Сизникиям бор экан: глушатель.

— Руль десин, мотор десин... Глушатели нимаси?

— Машинанинг тутун чиқарадиган жойи бор-ку, ўшанақа нарса экан.

— Мен шунақанги эканманми? — деди Комиссар аз-за-база ранжиб. — Ким қўйибди бу жиблажибонга...

— Йў-ўқ, дадаси, — Назира эшикдан ҳовлиқиб кирди. Суюнчи беринг, дадаси, неварали бўлдингиз! Гулнора ўғил туғди!

Комиссарнинг кўнглини мубҳам иliқлик силаб ўтгандек бўлди. Бироқ Маузернинг маст бўлиб айтган гаплари тағин эсига тушиб, юрагидаги муз янада қалинлашди.

— Хотин бўлгандан кейин туғади-да, — деди совуққина қилиб.

Назира каттакон сумкани диванга қўйиб, ичидан бир қучоқ латта-путталар чиқарди: йўргаклар, кўйлак-иштончалар, халатчалар...

— Жон дадаси, — деди ёлвориб. — Эртага чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқишади. Умрим бино бўлиб сиздан ҳеч нарса сўрадимми? Илтимос, бир марта хўп денг, борайлик... Майли, кўпмас, беш минутга... Бир оғиз табриклаб чиқинг. Бува бўлдингиз ахир.

Комиссар хотиржам қўл силтади.

— Ўзинг боравер!

Назиранинг кўзида ёш ғилтиллади.

— Одаммисиз ўзи, нимасиз?! — деди илтижо қилиб. — Бир оғиз гап учун ўз пушти камарингиздан бўлган фарзандингиздан кечасизми?

— Кечаман! — Комиссар ҳар сўзини чертиб таъкидлади. — Мен принцип учун онасидан кечган одамман!

...Диалектика қонунлари қизиқ экан. Бугун йўқотасан, эртага топасан... Маузернинг хотини битта ўғил туққан бўлса, Мэлснинг хотини бир йўла иккита — эгизак туғиб берди: Ҳасан-Ҳусан! Бирпасда уйлари тўлди-қолди...

4.

Болакайларнинг бижир-бижир тили чиқди, йўлга кирди. Бора-бора Назира ҳам неваралари билан андармон бўлиб, Маузерни кўп гапирмай қўйди. Невара яхши бўларкан. Хонадонга алланечук файз кирди. Ҳасан-Ҳусанлар ясли ёшига еттач, «дедушка»га ҳам иш топилди. Иккаласини икки ёнига олиб, эрталаб яслига элтади, кечқурун олиб келади.

... Мэлсни аспирантурада олиб қолишди. Комиссар бунга асло ажабланмади. Билими чуқур, ҳар томонлама етук... Бошқаларга ўхшаб, домлаларга пул тиқиштириб ўқимади. Бир йилдан сўнг ўғли маслаҳат солди.

— Покистонга стажировкага юборишмоқчи. Уч ойга.

— Бориб кел,—деди Комиссар.—Тилни тағинам мукаммал ўрганасан. Ҳаётни кўрасан....

— Шунақа-ку... — Мэлс кўзойнагини йилтиратиб, ҳижолатли жилмайди. — Баъзи ташкилотлар...

Комиссар дарҳол тушунди. Хэх! Булар Комиссар Ғаниевнинг фарзандига ишонмаса...

— Чамадонингни тайёрлайвер! — деди ишонч билан.

...Бирон ойлардан кейин «ўёқдан» телефон бўлди. Эртага эрталаб соат ўнда «Тошкент» меҳмонхонасининг «фалон» номерида кўришсак, деб илтимос қилишди.

Комиссар ажабланмади. Отставкага чиққан бўлса ҳам тажрибали ходим сифатида маслаҳатга ва умуман... «баъзи юмуш»ларга чақириб туришарди.

Фуқаро кийимидаги ходим очиқ чеҳра билан кутиб олди. Комиссар уни биринчи кўриши эди. Ходим Комиссарни орқаворотдан яхши танишини, ҳурмат қилишини айтди. Соғлиғини суриштирди, фарзандлари, неваралари кайфиятини сўради....

Даромад чўзилиб кетганидан Комиссарнинг кўнгли ғаш тортди. Хаёлига лоп этиб Маузер келди. «Яна бир қилиқ қилган бу эшшак! Ким билсин, газетада қалтис мақола чиқарганми? Қачонгача отасини шарманда қилади аҳмоқ!».

— Бўпти, ўртоқ, — деди лўнда қилиб — Мақсадга ўтайлик!

— Яхши, ўртоқ полковник! — ходим тортмани очиб, унинг олдига бир тўп газетани ташлади. — Қараб кўрингчи, шулар орасида бирортасини танийсизми?

Комиссар, ҳайрон бўлиб инглизча газеталарни варақлай бошлади. Деярли ҳар биттасида Мэлснинг кўзойнак ортидан илжайиб турган сурати босилган эди.

— Нима бу? — деди оёққўлидан мадор қочганини ҳис этиб.

— Нима эмас, ким денг? — ходим истеҳзоли кулди. — Танимаётган бўлсангиз, эслатиб қўйишим мумкин: бу кимса собиқ совет фуқароси Мэлс Соатович Ғаниев бўлади! Сизнинг ўғлингиз!

Комиссар бошидан ҳуши учиб бораётганини, ҳозир йиқилиб тушиши муқаррарлигини сезиб турар, тили калимага келмас эди.

— Туҳмат! — деди ниҳоят бутун иродасини йиғиб.— Бўҳтон! Менинг ўғлим унақа бўлиши мумкин эмас!

— Мумкин экан-да! — Ходим алланечук хотиржам жилмайди. — Мэлс Соатович Ғаниев Карачидаги Англия консулхонасига сиёсий бошпана сўраб борган. Совет Иттифоқида эркинлик йўқлигини айтиб, расмий баёнот берган, совет фуқаролигидан воз кечишини айтган... Ўқиб берайми?

Комиссар туш кўраётганга ўхшар, пешонасидан дўлдек тер қуйилаётганини, ўтирган жойида муттасил чайқалаётганини ўзи билмас эди. Бир маҳал қараса, ерда чўзилиб ётибди.

Ходим уни қўлтиғидан кўтариб, оғзига стаканда сув тутди.

— Генералга кираман, — деди Комиссар хириллаб. — Мен... бораман! Бориб, ўз қўлим билан отиб ташлайман! Отмасам, мени отинглар!

Бу гапларни сидқидилдан айтар, аммо айни пайтда қийноқ камералари, карцерлар, одам бошига ит кунини соладиган, нажас ейишга мажбур қиладиган рецедивистлар, каламушли горшоклар бирма-бир кўз ўнгидан ўтар эди.

— Отаман! — деди ҳайқириб. — Менинг бунақа ўғлим йўқ! Отаман!

Қизиқ, Уни қўйиб юборишди. Ҳатто «Волга»да уйигача кузатиб ҳам қўйишди.

«Бу ҳам бир манёвр!—Комиссар шаҳар марказидаги тўрт хонали уйига ҳорғин чиқиб бораркан, ҳаёлидан аламли ўй кечди.. — Одатдаги усул. Энди менинг ким билан алоқам борлигини кузатишади... Керак бўлса квартирага эшитувчи аппаратуларни жойлаб қўйишади... Хэх! Аллақачон жойлаб қўйган бўлса-чи?!».

Эшикни Назира очди. Эрининг важоҳатини кўриб қўрқиб кетди.

— Нима гап? — деди қути ўчиб. — Нима бўлди?

— Ўл бўлди! Дард бўлди!

— Комиссар алам устида хотинига тарсаки солди. Назира юзини чангаллаганча кавшандозга чўккалаб қолди.

Ичкаридан йилтироқ халат кийган Лола югуриб чиқди.

— Болалар ухлаяпти, дада! — деди таъна номуз. — Секинроқ гапириш мумкинми?

— Нима? Болалар?! — Комиссар квартирага ўрнатилиши эҳтимоли бўлган «қулоқлар» ёки пастда, йўл четида пойлаб турган машинадаги «локатор» эшитсин учун овози борича ҳайқирди. — Итдан бўлган қурбонликка ярамайди! Эрингни нега Покистонга жўнатдинг? Ниятинг нима эди, унсур! Айт! — деди Лоланинг ёқасига чанг солиб. — Ҳозир айтасан! Эринг Англия разведкасига сотилганини нега яширдинг?

Лола кўзлари ола-кула бўлиб, нуқул талпинар, аммо қайнотасининг чайир чангалидан чиқиб кетолмасди.

— Дада! — деди бир маҳал чинқириб. — Ойим ўлаяптилар, дада!

Шундагина Комиссар чангак бўлиб қолган бармоқларини келининг ёқасидан бўшатди... Иштончан Ҳасан-Ҳусанлар ётоқ эшигидан мўралаб турар, негадир иккаласи ҳам илжаяр эди. Назира йўлакда узала тушиб ётар, юзи қордек оппоқ, қимир этмасди. Назарида хотини маккорлик қилаётгандек туюлди.

—Тур, — деди хотининнинг елкасига нуқиб. — Тур, алвасти! Бу ҳайвонларни сен туққансан! Уларни менга қарши сен қайрагансан!

Ажаб! Назира қилт этмади. Комиссар энкайиб хотининнинг юзига кафтини босди. Назиранинг юзи муздек эди. Худди холдильникдаги гўштдек... Қўрқув ичида қўлини тортиб олди.

— Чақир! — деди бақириб. — Скорий чақир! Тезроқ!

Лола нариги хонага телефонга югурди.

Комиссар хотининнинг ёнига мук тушди.

— Назира- — деди елкасидан силкитиб. — Онаси! Кўзингни оч, онаси!

Комиссар кўп ўлимларни кўрган, аммо инсон боласи бу қадар тез, бу қадар осон ўлиши мумкинлигига ақли етмасди. Назира ҳаётида ҳеч ким билан олишишни истамагани каби ўлимида ҳам ажал билан тортишиб ўтиргиси келмагандек, осойишта ётар, лабларида аламли табассум қотиб қолган, гўё, охир-оқибат бу азоблардан қутулганига шукур қилгандек, сен билан ўтган умримга ҳам, дунёнинг ишларига ҳам пушаймонман деб маъюс кулаётгандек эди...

— Назира... — Комиссар ўкраб йиғлаб юборди. — Ташлаб кетма мени, Назира!..

Бу — унинг умрида биринчи ва охирги марта йиғлаши эди.

● ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

# «МУЛОҚОТ»

Бу гал журналнинг март ва апрель сонлари қўшиб чиқарилган. Унинг дастлабки саҳифаларида халқимизнинг қадимий ва анъанавий байрамларидан ҳисобланган — Наврўзни шарафловчи мақолалар ўрин олган.

«Амалий ишлар даври» сарлавҳали мақолада Жиззах вилояти Дўстлик тумани кенгаши раиси Н. Қаюмов бугунги долзарб масалалар борасида муштарийлар билан ўртоқлашади. Маълумки, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ўзидан сон-саноқсиз хайрли излар қолдирган. У кафқат шеъриятга, балки боғ-истироҳатчилик санъати ва меъморчилик ишларига ҳам жуда қизиққан, ғоят ихлос қўйган. А. Ўроловнинг «Алишер Навоий боғлари» мақоласида ана шу борада батафсил маълумот берилган.

Журналдан бир қатор тарихий мавзудаги мақолалар ҳам ўрин олган. Жумладан, Маҳкам Андижонийнинг «Маҳмуд Ғазнавий», Ш. Каримовнинг «Тарихий ҳақиқат муқаддасдир» мақолалари шулар жумласидандир. Шунингдек журналнинг янги сонида Боймирза Хайитнинг «Туркистон миллий истиқлоли масалалари» мақоласининг давоми чоп этилган. Бундан ташқари Ғойиб Назарнинг «Яхшиликнинг боғи», Маҳмуд Сатторнинг «Умри узун удумлар» сарлавҳали чиқишлари, Абдумажид Азимнинг янги шеърлари, «Нурнома»нинг давоми ҳам муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган.

Олтинкўл районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги аъзолари карам экишга киришдилар. Аъзамжон Аҳмедов бошлиқ бригада аъзоларидан 10 гектар майдондан 200 тонна карам олишни режалаштирмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳилола Хўжаева карам нўчатини экмоқчи. 2. Раҳмжон Ёрқулов (чапда) билан бригада бошлиғи Аъзамжон Аҳмедов.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар. (ЎзА).

## ФУТБОЛ

### КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Етти учрашувда меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам бўш келмай, ҳужумкорлик билан дарвозаларни ишғол этишга ҳаракат қилишди. Энг йирик ҳисоб Косонсойда қайд этилди. Биринчи ўйинда пахтакорчиларга имкониятни бой берган майдон эгалари бу гал ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. «Пахтакор-79» жамоасини қабул қилган косонсойликлар 4:1 ҳисобида муваффақият қозониб, дастлабки икки очкони қўлга киритишди. Самарқандда ўтказилган учрашув ҳам мухлисларда қизиқиш уйғотди. Маҳаллий «Мароқанд» ҳамда Тошкент вилоятининг «Чирчиқ» жамоалари учрашуви 2:1 ҳисобида якунланди. Маълумки самарқандликлар дастлабки учрашувни дуранг қилишган эди. Шундай қилиб, «Мароқанд» учта очко билан ягона пешқадам бўлиб олди. «Трактор» ва «Темирйўлчи» жамоаларида ҳам учтадан очко бор.

Шунча очко тўплаган Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари эса иккинчи ўринда боришмоқда. Улар биринчи ўйинда ғалабага эришишгани мухлисларга аён. Навбатдаги учрашувни «Темирйўлчи» майдонида ўтказган пахтакорчилар дарвозалар дахлсизлигини таъминлашди. Ўйинда ҳисоб очилмади. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Нурафшон», —«Навбаҳор» — 1:1, «Сурхон» — «Наврўз» — 1:1, «Янгиер» — «Трактор» — 0:1, «Суғдиёна» — «Орол» — 1:0. Ҳозир «Нурафшон», «Навбаҳор», «Сурхон», «Наврўз», «Янгиер», жамоаларида иккитадан очко бор. Навбатдаги учрашувлар 4 ва 5 апрель кунлари бўлади. Пахтакор» 5 апрель куни «Нефтчи» жамоасини қабул қилади.

## • ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ •

# ШОДИЁНА ФАЙЗИ

**● Пойтахтимиздаги «Шарқ гули» бадиий каштачилик бирлашмасида Наврўз катта байрам сифатида нишонланди. Бирлашманинг ораста ҳовлиси чевар қизлар қўллари билан тикилган палаклар, гул кўрпалар, чойшаблар билан байрамона безатилган.**

Ҳовлининг бир чеккасида дошқозонлар қайнаб турибди. Бирида сумалак пишяпти, иккинчисида палов. Атлас кўйлаклари қуёш ёғдусида жилоланаётган қиз-жувонлар хизматда. Гиламлар тўшалган шоҳсупаларда мунис онахонлар давра қуришган. Булар корхона фахрийлари, дея бирлашма касаба уюшмаси кенгашининг раисаси Шарифа Сайдалиева уларни бирма-бир таништиради.

— ...Ўғилжон Машарипова. Ҳозир пенсия олмоқдалар. Шундай бўлса ҳам онахонимиз чеварларимиз ҳузурига тез-тез келиб турадилар, барака топгур...

— Бирлашма меҳнат аҳлига минг раҳмат. Биз нафақахўрларни ҳам эсдан чиқаришмайди, — дейди Ўғилжон опа. Байрамларда ҳамиша йўқлаб туришади. Попон цехида 21 йил ишладим. Дам олишга чиққач, яна санъат гулшанига қайтдим. Чунки, ёшлигимдан рақс-қўшиққа меҳр қўйганман. Гавҳар Раҳимова етакчилигидаги Зебо Ғаниева номли дастанинг иштирокчисиман.

— Одам сийлаганни сийлайди, — суҳбатга аралашди Шоҳида Искандарова. — Мен Наврўз тантанасига Янгнобод маҳалласидан меҳмонга келдим. Хотин-қизлар кенгаши раисиман. Маҳалламизда беш минг хонадон бор. Ҳар тўрт хонадондан бирининг қизи ёки келини шу ерда ишлайди. Фабриканинг меҳригиёси борми, деб юрардим. Энди билдим. Бор экан. Бу ерда аёллар ардоқда экан. Жамоанинг аҳиллигини айтмайсизми? Қаерда аҳиллик, ўзаро ҳурмат бор экан, ўша ерда қут-барака бўлаверади.

Бирлашманинг довруғи чор атрофга ёйилган. Ироқи, нозик, бодомча, чоргул сингари дўппиларга фақат ўзимизда эмас, ҳатто хорижий элларда ҳам талаб катта. Ҳозир ҳар ойда 40—50 минг дўппи тайёрланяпти.

— Дўппиларга ипаклардан жило берибгина қолмай, балки меҳримизни қўшиб тикамиз, — дейди бригада бошлиғи Насиба Тошхўжаева. — Рақсга тушаётган қизларнинг бошидаги дўппиларни кўраяпсизми, ўшаларни ҳам бизнинг қизларимиз тикиқган.

Карнай-сурнай наволари узоқ-узоққа эшитилади. Шўх доиралар эса рақсга чорлайди. Корхонанинг «Шарқ қизлари» дастасининг чиқишлари, айниқса, мароқли бўлди. Рақсдан сўнг лапар айтилди. Лапарга қўшиқлар уланиб кетди. Ҳаммадан ҳам полвонлар тортишуви қизиқарли бўлди. Беқасам тўнлар кийиб олган қизларнинг ўзаро баҳси, ичак узди ҳазиллари бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Ёр-ёр садолари корхона ҳовлиси узра янграйди. Қўшқўш палаклар билан шодон қизлар даврага кириб келишди. Тортишмачоқ бошланди. Қанийди бу қадимий анъанамиз тўйларимизга яна қайтса.

Келин-салом бошланди. Қўшиққа қулоқ тутамиз:

**Паст девордан қараган**
**Тўй қачон деб сўраган**
**Устозларга ҳам салом,**
**Салом, ассалом.**

Табаррук қутловда корхона равнақи учун жон куйдираётган Шаҳриниса Умарбекова, Ҳуррият Турсунова, Муборак Абдуллаева сингари фахрий чеварларнинг номлари ҳам тилга олинди.

Корхонада Наврўзга бағишлаб шанбалик ўтказилди. Шу куни ишлаб топилган пулдан 30 минг сўми кам маош оладиган ишчиларга, нафақахўрларга ажратилди.

Наврўз сайлида корхона раҳбари Раъно Отажонова билан суҳбатлашдик. У бирлашма ишчилари ғайрат билан меҳнат қилаётганларини фахрланиб сўзлади. Ўтган йили истеъмолчиларга 82 миллион 265 минг сўм ўрнига 83 миллион 505 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам, кўз тегмасин, ишларимиз ёмон эмас. Шу йилнинг дастлабки уч ойида 41 миллион 544 минг сўмлик ўрнига 45 миллион 916 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 110,5 фоиз бажарилди.

Байрам шодиёнасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Октябрь райони Кенгашининг биринчи котиби Х. Атаматова ҳамда райондаги қўшни корхона ва маҳаллаларнинг фахрийлари қатнашдилар.

**Ю. ЗИЕДОВ,**
**Ҳ. СУЛТОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Миллий қадриятларимиз нафосати. М. НАЗАРОВ олган суратлар.

## МУШТАРИЙ:

ХАБАР ҚИЛАДИ

### ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юртида андижонлик таниқли шоир Восит Саъдулланинг ҳаёт ва ижодий йўлига бағишланган хотира-адабий кеча бўлиб ўтди. Унда шоирлардан Олимжон Холдор, Тўлан Низом, Холдоржон Қуронбоев, Қамчибек Кенжа, Фозилжон Иминов, Раҳмонали Ҳайдаров ва бошқалар шоир ижоди ҳақида сўзладилар. Ўзларининг янги шеърларидан намуналар ўқидилар.

Кечада иштирок этган шоирнинг рафиқаси Маҳбуба ая хотира адабий-кечаси учун миннатдорчилик билдирди. Кечада бадиий ҳаваскорлик дасталари ижодкорлари томонидан дилрабо қўшиқ ва рақслар янгради.

**М. ҚУРБОНОВ,**
ўқитувчи.

...ЁРДАМ СЎРАЙДИ

### ЕНГИЛЛИК ЯРАТИЛСА...

**●** Мен Фарғона шаҳар хўжалик ҳисобидаги поликлиникада бош шифокор бўлиб ишлайман. Жамоамиз шаҳар ва унинг атрофидаги районлар аҳолисига хизмат қилади. Тўғрисини айтиш керак, поликлиникамизнинг моддий-техника базаси қониқарли эмас. Ҳозирги пайтдаги тақчиллик ва таъминотдаги узилишлар ишимизга зарба беряпти. Замонавий асбоб-ускуналар эса деярли йўқ.

Биз бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ёрдам сўраймиз.

**И. САЙДАЛИЕВ.**

...ТАКЛИФ КИРИТАДИ

### ДОИМ ЭЪТИБОР КЕРАК

**●** Кейинги пайтда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътибор ортяпти. Лекин буни кўриб-кўрмасликка одатланган шахслар ҳам йўқ эмас. Тўғриси, айрим қишлоқ ва шаҳарларда она табиатга нисбатан бефарқ қараётганлар йўқ эмас. Мағзавани ариқларга тўкиш, мевали ва манзарали ниҳоллар экилган майдонларга қорамол ва қўйларни қўйиб юбориш ҳоллари учраб турибди. Ҳамма бир бўлиб, бундай нуқсонларга қарши кураш олиб бориши ҳам қарз, ҳам фарз.

Яна бир мулоҳаза. Ҳозир қўлбола кабобпазлар, самсапазлар, кўча-кўйда егулик таом сотувчилар сони кўпайиб кетди. Уларни тартибга чақирадиган, озодаликка риоя қилишини таъминлайдиган, масъулиятни оширадиган пайт келди. Айни чоғда бу ҳар биримизнинг ҳам бурчимиз бўлиши зарур.

**Б. ОЧИЛОВ,**
**Булунғур райони, Красногвардейск шаҳри.**

* * *

**Шуниндек, муҳаррирлиятимизга қизиқарли таклиф ва мулоҳазалар, дил сўзлари ёзилган кўплаб мактублар келиб турибди. В. Рашидов, Н. Ражабова, Ф. Отабоев, А. Низомов, Т. Исроил ўғли, Т. Қулмонов, Г. Айтимбетов, Х. Бадалбоев, Ш. Худоёрова, Р. Ҳомидов, Р. Ғойипов, А. Иброҳимов, А. Қодиров, М. Турсунов, П. Отахонов, С. Набиев ва бошқаларнинг хатлари ана шулар жумласиндандир.**

### «ХУМСОН»ГА КЕЛИНГ

**●** Тошкент вилоятидаги «Хумсон» санаторийсида бўлсангиз бу ерда даволанаётган беморларнинг шод-хуррам уйига қайтаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Асаб бузилиши, нафас олиш ва бошқа касалликларга чалинган беморлар қисқа вақт мобайнида тажрибали шифокорлар муолажаларидан баҳраманд бўлаётирлар.

Санаторий маданият уйида ташкил этилаётган турли суҳбатлар, қувноқ ва зукколар бахслари, мушоиралар беморларнинг кайфиятини хушнуд қилаётир.

**Ж. УРОЗБОЕВ,**
**Тошкент давлат аграр дорилфунуни Киров номли ўқув-тажриба хўжалигининг мироби.**

### «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ПАЙШАНБА, 2

**● УзТВ I**

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Саодат Қобулова куйлайди». 8.45 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм, 1-серия. 9.50 «Ёшлик». 10.35 Мактабгача тарбия масалалари. 11.15 «Дўстлик» студияси кўрсатди.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Замин саховати». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Аждодлар мероси». 19.50 «Кекса санъаткорлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 21.30 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

**● УзТВ II**

10.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 «Регистон узра оҳанглар». 12.00 Ботаника.

* * *

18.30 «Баҳор келганда». 19.00 «Бу оқшомда» 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда» 21.30 «Пульс». 21.40 «Кинонигоҳ».

**● «ОРБИТА IV»**

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.30 «Ўнг келган туш ёки чемодан», Бадиий фильм. 9.45 «Шов-шуви катта-ю...» 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Ҳайвонот оламида». 12.05 «Ҳамма циркни севади». 12.50 «Тоғларимиз ҳақида афсона ва ривоятлар». 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Бир сафарли ҳайдовчи». Бадиий фильм, 2-серия. 16.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Бадиий фильм, 4-серия. 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Эльдорадо». 17.50 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 «Кинопанорама». 19.45 Хайрли тун кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Л. Лешченконинг юбилей кечаси. 22.10 «Кон эвазига ислоҳот». 22.50 Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.40 Футбол. 00.40 «Бир сафарли ҳайдовчи». Бадиий фильм, 2-серия.

**● ДУБЛЬ IV**

7.00 Хабарлар. 7.20 Испан тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.05 Испан тили. 8.35 Болалар соати 9.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Бенфика» (Лиссабон) — «Динамо» (Киев). 11.10 «Доминус». Бадиий фильм. 12.30 «Чумчуқча». Мультфильм. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 «Уларнинг қайтариб берилган исмлари». 16.05 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.20 Рус — Америка поп-гуруҳи ижросида Виктор Резников қўшиқлари. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Ишдан бўш пайтингизда. 17.35 Футбол, Европа чемпионлари кубоги «Бенфика» (Лиссабон) — «Динамо» (Киев). 19.15 «Ҳар бир кун байрам». 19.25 Махсус тижорат хабарномаси. 19.35 «Исроил ҳақида тушлар». 5-фильм. 20.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Бешинчи ғилдирак». 22.15 Эълонлар. 22.20 «Бешинчи ғилдирак».


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

# ЖАРЧИНОМАСИ

ТОШКЕНТ МЕЪМОРЧИЛИК ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**1992 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантуранинг қуйидаги мутахассисликлари бўйича**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Бинокорлик қурилмалари, иморатлар ва иншоотлар;**
**замин ва пойдеворлар;**
**қурилиш механикаси**
**сув техник иншоотлари қурилиши;**
**сув таъминоти ва оқава сувлар;**
**қурилиш ашёлари;**
**техник тизимларда бошқарув;**
**геодезия;**
**қурилиш ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва бошқаруви;**
**архитектура назарияси ва тарихи, архитектура обидаларини тиклаш;**
**шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва қишлоқларни меъморий режалаштириш.**

**Аризалар 1992 йилнинг 2 апрелидан 30 апрелигача қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари Олий ўқув юрти дастури бўйича фалсафа, чет (ингилиз, немис, француз) тиллари ва мутахассислик фанидан 1992 йилнинг 1 майидан 30 июнига қадар ўтказилади.**

**Кириш имтиҳонларини топшириш учун ариза ва ҳужжатлар (диплом ва баҳолар кўчирмасидан нусҳа, тафсифнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрлар ҳисоби шахсий вараги, таржимаи хол, 2 тадан 3х4 ва 4х6 фототасвир, илмий ишлар рўйхати, институт ректори номига қуйидаги манзилгоҳга юборилсин:**

**Тошкент шаҳри Навоий кўчаси — 13. Аспиратура бўлими:**

**Телефон: 44-18-79.**

## ЙИЛИГА 20 МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА

**Агар сиз «НОУ —ХАУ» фирмасида тайёрланган «СКУ —1» ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олсангиз, қўлга киритадиган фойдангиз шунча сўм бўлади.**

**Бу такомиллашган қурилиш конструкторлик технологияси ахлатхоналардаги чиқиндиларни қайта ишлаб, пишиқ қурилиш материаллари, гаражлар дала ҳовли уйлари ва якка тартибдаги уйлар бўлаклари ҳамда йўл учун қурилишбоп плиталар тайёрлашда қўл келади.**

**«СКУ—1» бу текин хом ашё — ахлатхонада ишлайдиган чиқиндисиз ва экологик жиҳатдан ораста ишлайдиган ускунадир. Хомашёни қайта ишлаш жараёнида саралашга ҳожат йўқ. «СКУ — 1» да ҳосил этиладиган бўлаклардан тўрт ишчи бир кунда бешта гараж, ёки 2 та дала ҳовли уйи, ёхуд битта якка тартибда уй бунёд этиши мумкин. Барча ускунани ташкил этадиган тўрт агрегатни кичикроқ цехда ёки устахонада бемалол тайёрлаш мумкин.**

**Қурилма соатига 50-60 киловатт электр қувватини сарфлайди. Унинг ишлаши учун 78 квадрат метр (6х13м) ишлаб чиқариш майдони кифоядир. Технологияни тадбиқ этиш учун тахминий харажатлр 120-150 минг сўмни ташкил этади. Ҳужжатлар баҳоси 350 минг сўм + 28 фоиз солиқ.**

**Технологияни сотиб олиш учун эълон босилиб чиққан кундан бошлаб ўттиз кун ичида буюртма бериш мумкин.**

**Чизма ҳужжатлари ҳисоб счётига пул ўтказилгандан кейин уч кун ичида юборилади.**

**Технология чизмаларини сотиш юзасидан шартномалар ҳам тузилади.**

**Бизнинг манзилгоҳимиз ва банк реквизитлари: 746134, Туркманистон Республикаси, Чоржўй вилояти, Сакар посёлкаси, Сакар тижорат ассоциацияси нон заводи. Чоржўй акционерлик тижорат агропромбанкининг Сакар бўлимидаги ҳисоби — 60601. МФО — 390801415**

# ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**АКМАЛ ИКРОМОВ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ**
**қуйидаги мутахассисликлар бўйича I КУРСГА**

## ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**КУНДУЗГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА:**

Темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа воситалари.
Вагонлар.
Локомотивлар (тепловозлар).
Локомотивлар (электровоз ва электропоездлар).
Темир йўл транспортини электр қуввати билан таъминлаш.
Шаҳар электр транспорти.
Транспортда юкларни ташиш ишларини ташкил қилиш ва бошқариш.
Темир йўл транспортида иқтисод ва бошқариш (Моддий-техника воситалари билан таъминлаш, хизмат воситаларини ташкил қилиш ва режалаштириш).
Бухгалтерия ҳисоботи, назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.
Темир йўл қурилиши, йўллар ва йўл хўжалиги.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари.
Саноат ва фуқаро иншоотлари қурилиши.
Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

**КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА:**

Темир йўл транспортида автоматика, телемеханика ва алоқа воситалари.
Вагонлар.
Саноат ва фуқаро қурилиши.
Бухгалтерия ҳисоботи, назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.
Транспортда юкларни ташиш ишларини ташкил қилиш ва бошқариш.
Темир йўл қурилиши, йўллар ва йўл хўжалиги.

**СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА:**

Кундузги факультетларнинг кўприклар ва транспорт тоннеллари ҳамда шаҳар электр транспорти ихтисосларидан ташқари барча ихтисослари.

**Ўқишнинг барча кўринишларига кирувчилар математика (ёзма) ва физика (ёзма)дан танлов имтиҳонлари ва ўзбек (рус ва тожик) тили (ёзма)дан танловга қўшилмайдиган имтиҳонларни топширадилар.**

**«Бухгалтерия ҳисоботи, назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» ихтисосига кирувчилар математика (ёзма)дан, тарих (оғзаки)дан, танлов имтиҳонлари ва ўзбек (рус) тилидан танловга қўшилмайдиган (ёзма) имтиҳон топширадилар.**

**Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирганлар ёки ўрта махсус ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло даражали шаҳодатнома билан битирганлар математика ёки физикадан битта ёзма имтиҳон топширадилар.**

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирганлар ёки ўрта махсус ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло даражали шаҳодатнома билан битирганлар математика ёки физикадан битта ёзма имтиҳон топширадилар. Шу имтиҳондан «аъло» баҳо олганлар бошқа имтиҳонлардан озод этилиб, олий билимгоҳга қабул қилинадилар. «Тўрт» ёки «уч» баҳо олганлар эса, қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

**Бу имтиёз ўрта маълумот асосида ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло даражали шаҳодатнома билан битирганлар фақат ўзлари эгаллаган касбларига мос келадиган ихтисослар бўйича ўқишга кириш учун ариза берганларидагина қўлланилади.**

Кундузги ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларида олган баллар миқдори бўйича ўтказиладиган умумий танлов асосида қабул қилинадилар. Танлов ихтисослар бўйича ўтказилади. **Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси томонидан кўзда тутилган мақсадли жойлар учун танлов махсус йўлланмага эга бўлган шахслар орасида ўтказилади.**

**Заҳирага бўшатилган ва ҳукумат томонидан тайинланган имтиёзлардан фойдаланувчи ҳарбий хизматчилар; етим ва қаровчисиз қолган болалар; саломатлигига кўра темир йўл олий билимгоҳида ўқиши тиббий комиссия томонидан ман этилмаган I ва II гуруҳ ногиронлари — КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАРГА ТОПШИРГАНЛАРИ ТАҚДИРДА, ОЛИЙ БИЛИМГОҲГА ТАНЛОВСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

**КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА:** олий билимгоҳда танланган ихтисос бўйича қамида бир йил ишлаганлар; охирги уч йил ичида ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилганлар; ўрта ва ҳунар-техника билим юртларини тугатиб, касбларига мос ёки шунга яқин турдош ихтисосларни танлаганлар; ўқиш тўғрисида корхона билан олий билимгоҳ ўртасида тузилган шартномани тақдим этган шахслар ТАНЛОВ асосида қабул қилинадилар.

**Баллар миқдори тенг бўлган тақдирда қуйидагилар имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар:** темир йўлчилар ва уларнинг фарзандлари; йигитлар; танланган ихтисос бўйича камида бир йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлганлар; охирги уч йил ичида ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилганлар; ўқиш тўғрисида корхона билан олий билимгоҳ ўртасида тузилган шартномани тақдим этган шахслар.

АРИЗАЛАР:

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА — 25 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА;**
**КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА — 18 МАЙДАН 19 АВГУСТГАЧА (Душанба ўқув-маслаҳат пунктида 20 АПРЕЛДАН 31 АВГУСТГАЧА) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

Кирувчилар кириш имтиҳонларини ўз хоҳишларига қараб Тошкентда — ўзбек ёки рус тилларида, Душанба ўқув-маслаҳат пунктида тожик ёки рус тилларида топширадилар.

Кундузги ўқишга **имтиҳонлар 1 августдан 16 августгача, талабалар сафига қабул қилиш 20 августгача ўтказилади.**

Кечки ўқишга **имтиҳонлар 8 июндан 27 августгача** (даврлар билан), **талабалар сафига қабул қилиш 1 сентябргача ўтказилади.**

Сиртқи ўқишга **имтиҳонлар 8 июндан 27 августгача** (даврлар билан), **талабалар сафига қабул қилиш 20 сентябргача ўтказилади.**

**Душанба ўқув-маслаҳат пунктида имтиҳонлар 26 июндан 15 сентябргача** (даврлар билан) **ўтказилади.**

Олий билимгоҳга кирувчилар ректор номига ариза ёзиб, танлаган ихтисосларини кўрсатадилар.

Аризаларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; соғлиги ҳақида 086/Ў шаклидаги тиббий маълумотнома; 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат (бош кийимсиз); меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма (меҳнат фаолияти борлар учун); паспорт, ҳарбий билет ёки қайд гувоҳномасини абитуриент шахсан кўрсатади.

Кундузги ёки кечки факультетларга кирувчилар ариза билан 700045, Тошкент шаҳри, И. Одилхўжаев кўчаси, 1-уй (ТошТТМО)га мурожаат қилишлари мумкин.

Олий билимгоҳнинг сиртқи бўлимига кириш учун аризалар ТошТТМО қабул комиссияси номига қуйида кўрсатилган манзиллардан бирига юборилади: 700045, Тошкент шаҳри, И. Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, ТошТТМО (Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлимига ҳамда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида истиқомат қилувчиларга хизмат кўрсатади).

734012, Душанба шаҳри, Ленин кўчаси, 16/2-уй, Душанба ўқув-маслаҳат пункти (Ўрта Осиё темир йўлининг Душанба, Бухоро ва Қарши бўлимларга хизмат кўрсатади).

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Олий билимгоҳ ректори — 99-04-00, 40-70.**
**Сиртқи факультет декани — 99-05-69, 40-78.**
**Кечки факультет декани — 57-04-94, 37-79.**
**Қабул комиссияси — 99-05-91, 32-25.**



Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 66.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.